
ЯПОНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ФАРҒОНА-ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ВИЛОЯТИМИЗГА ЕТИБ КЕЛДИ

Вилоятимизда бўлиб ўтадиган Фарғона-Япония бизнес-форумида иштирок этиш учун япониялик ишбилармонлар делегацияси Фарғонага етиб келди. Фарғона халқаро аэропортида япониялик меҳмонларни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Хабиб Сирожитдинов ва бошқа расмийлар тантанали кутиб олдилар.

Эртага, 25 ноябрь куни Риштондаги “Чинор плюс 2020” мажмуасида япониялик ишбилармонлар ҳамда вилоятимиз тадбиркорлари иштирокида Фарғона-Япония бизнес-форуми бўлиб ўтади.

Бизнес-форумда қурилиш, савдо, саноат, тиббиёт, фармацевтика, Ай-Ти, таълим, хизматлар, ипакчилик, туризм ва инвестициялар соҳаларида фаолият олиб боровчи компаниялари вакилларидан иборат япониялик ишбилармонлар делегациясига вилоятнинг инвестицион салоҳияти, амалга оширилаётган лойиҳалар, “Қўқон” ЭИЗ ҳақида тақдимотлар ўтказилади. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган G2B ва B2B форматлардаги музокаралар ташкил этилади. Шунингдек, меҳмонлар Фарғонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда миллий ҳунармандчилик кўргазмаси билан танишадилар.

Форум доирасида япониялик ишбилармонлар “Central Asian Medical University” олийгоҳига, Фарғона шаҳридаги “Global Textile”, Марғилондаги “Ёдгорлик”, Фарғона туманидаги “Fergana-France” корхоналарига ташриф буюриб, ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишади, шунингдек, Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳарда – “Янги Ўзбекистон” массивида бўлиб, қурилиш жараёнлари билан танишишади.

2023-11-24 15:57:28